




# АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТ РИВОЖИНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИДАГИ ЎРНИ


Республика илмий-амалий конференция  
МАТЕРИАЛЛАРИ



ТОШКЕНТ – 2017

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

*Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг  
680 йиллигига бағишланади*



**АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР  
ДАВРИДАГИ ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТ  
РИВОЖИНИНГ ЖАҲОН  
ТАМАДДУНИДАГИ ЎРНИ**

*Республика илмий-амалий конференция материаллари.  
Темурийлар тарихи давлат музейи  
Тошкент – 2016 йил 9 апрель*

**9-китоб**

ТОШКЕНТ  
«MASHHUR-PRESS»  
2017

Большое внимание уделялось развитию науки и культуры. Амир Темур сам был образованным для своего времени человеком, он знал тюркский и фарси, историю, Коран. В Самарканде были собраны лучшие ученые: философы, историки, математики. Получили развитие настенная живопись, миниатюра.

Амир Темур, как многие, если не большинство, из великих людей был исторической личностью, сложной и противоречивой. Как Карл Великий, Петр I, он обладал политической прозорливостью. Его внешняя политика была настолько мудрой и гибкой, что в ней трудно выделить основную линию. Его аналитический ум позволял выйти, наиболее удачно, из самых критических ситуаций и даже извлечь из этого определенную выгоду, впервые в Средней Азии он создал государственность нового типа.



*Among outstanding personalities we have analyzed that Amir Temur was the great person of historic dimensions, elaborate and contradictory man. He owned political sagacity as Charles the Great and Peter the Great. He had to use prudent and flexible foreign policy, that his basic political line singled out with difficulty. Due to theoretical mind he was able to alight form critical situation successfully, having benefited from definite advantage. In Central Asia he was accepted as the founder of the new type of state system.*

**Я.А. Турдимуратов**

## **АМИР ТЕМУР ҚЎМОНДОНЛАРИ**

Мамлакатимизда Амир Темур тарихи билан боғлиқ қатор илмий тадқиқотлар эълон қилинган ва олдинда қилиниши керак бўлган ишлар ҳам кўп. Маълумки, Амир Темурнинг буюк

салтанат барпо этиш ва уни мустаҳкамлаш йўлидаги асосий тадбирларидан бири ҳарбий кўмондонларни тўғри танлаш ва тайинлаш масаласига алоҳида эътибор берганлигидир. Чунки айнан улар Амир Темур давлатида ўзига хос ўринга эга бўлишган. Амир Темур кўмондонлари шахси ҳақидаги илмий тадқиқотлар эса бизда ҳали етарли даражада эмас.

Соҳибқирон ўз навкарларидан 313 нафарини амирлик мансабига тайинлаганлиги кўпчиликка маълум. Қозоқлик даврининг дастлабки кунларидан бошлаб улар ундан бир қадам ҳам ажралмаганлар. Масалан, улардан 100 нафари ўнбоши, яна 100 нафари юзбоши ва 100 нафари мингбоши мансабига тайинланган. Қолган 13 нафари бекларбеги, амирул-умаро мансабини олган. Амир Темур томонидан ҳеч бир сипоҳийнинг хизмати назардан четда қолмаган. Бу борада уларнинг тажрибаси, ақл-фаросати, баҳодирлиги ва шижоати каби шахсий хислатлари, шунингдек, насл-насаби ҳам ҳисобга олинган.

Сўнгги йилларда Амир Темур тарихини ўрганиш хориж мамлакатлари, хусусан, Россия олимларида кенг қизиқиш уйғотмоқда. Бунинг ёрқин далили сифатида 2015 йили Россия телеканаллари орқали намойиш этилган, Россия тарихчи олимларининг тадқиқотлари асосида суратга олинган “Амир Темур – буюк меъмор” номли хужжатли фильмни айтиш мумкин. Россиянинг Новосибирск Давлат университети (НДУ) мутахассислари дунёда биринчи бўлиб Соҳибқирон Амир Темурнинг 12 нафар энг кучли кўмондонининг ҳарбий биографияларини тиклашди. Бу ҳақда НДУнинг гуманитар тадқиқотлари лабораториясининг илмий ходими, тадқиқот муаллифларидан бири тарих фанлари доктори Леонид Бобров хабар берди.

“Дунё илмида фақатгина буюк шахслар – Наполеон ва Чингизхонни эмас, балки уларнинг кўмондонларини ҳам ўрганишади. Наполеоннинг маршали, Чингизхоннинг бош ҳарбий кўмондонига бағишланган юзлаб ишлар бор. Лекин Шарқнинг энг буюк соҳибқирони Темурнинг кўмондонлари ҳақида ҳеч қандай иш бўлмаган”, – дея олимнинг сўзларини келтиради ТАСС агентлиги.

Л. Бобровнинг сўзларига кўра, бундай ишларнинг йўқлигига сабаб, биринчи ўринда сиёсатчи ва давлат арбоби, кейин эса кўмондон саналган Чингизхондан фарқли ўларок, Амир Темур ўзининг барча иттифоқчиларини асраб, кўплаб юришларни шахсан ўзи амалга оширган. Мавжуд манбаларни изчиллик билан ўрганиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, кўплаб самарали ҳарбий кампанияларни Амир Темур катта ишонч билдирган кўмондонлар амалга оширишган.

“Айни дамда биз ўрганаётган иш шу инсонларнинг биографиясига қаратилган. Улар орасида ҳозирги ҳарбийларга ҳам чинакамига намуна бўла оладиган атоқли кўмондонлар бўлган. Уларнинг таржимаи ҳоли XIV асрнинг энг кучли армиясида ҳарбий тушунча қандай ривож топганини билиб олиш мумкин”, – дея қайд этди тарихчи.

Л. Бобровнинг сўзларига кўра, Соҳибқирон кўмондонларини уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ, бу “иқтидорли кўмондонлар” бўлиб, Соҳибқироннинг ўзи уларда иқтидорни кўриб танлаб олган инсонлар. Иккинчи гуруҳ, “мансаб бўйича кўмондонлар”. Бу ҳарбий амалдорлар Амир Темур кўмондонларининг кўшини ва мансабини мерос қилиб олган фарзандлар ҳисобланади. Учинчи гуруҳ эса “туғма кўмондонлар”. Амир Темурнинг ўзи томонидан тарбия ва таълим берилган меросхўрлари.

Новосибирсклик тарихчиларнинг китоби 2016 – 2017 йилларда чоп этилади ва у Жаҳоншоҳ баҳодирга бағишланади. Олимнинг таъкидлашича, у Амир Темур кўмондонлари орасида энг иқтидорлиси бўлиб, уни Суворовга қиёслаш мумкин. Ушбу ҳарбий кўмондон Ўрта денгиздан то Иртиш дарёсигача бўлган ҳудудларда жанг қилиб, бутун ҳаёти давомида Амир Темур тарафида туриб, ўнлаб ғалабаларни қўлга киритишга муваффақ бўлган. Сиёсий фитналар натижасида у ўз сафдоши қўлидан ҳалок бўлган.

Юқоридаги тарихчиларнинг фикрича, бу китоблар ўзбек ва қозоқ тарихчиларига қизиқарли бўлади. Чунки кўмондонларнинг авлодлари ҳозирги кундаги Қозоғистон ва Ўзбекистонда истиқомат қилишади.

Нафақат Амир Темур кўмондонларининг шахси, балки кўшинининг куролланганлиги, тактика ва стратегиясини ҳам ўрганиш ўта муҳимлиги билан ажралиб туради. Амир Темур томонидан ишлаб чиқилган тактик усуллардан бири – махсус отлик ҳарбий кўшин бирикмаси бўлган қанбулларни кучайтирилган ёнлама (қанот) тарзда кўриқлаш ҳисобланган. Чунки улар кўшин қанотида ёнлама тарзда олдинда туришган. Бу эса душман отлик кўшини билан унумли равишда курашиш имконини берган. Тарихчи Л. Бобровнинг сўзларига қараганда, новосибирсклик тарихчилар Амир Темур кўшинини ўрганиш билан 6 йилдан буён шуғулланиб келишади ва 4 йилдан сўнг ушбу мавзуга оид бўлган кенг камровли монография чоп этишни режалаштиришмоқда. Бу эса Амир Темур давлатидаги кўшин ва ҳарбий иш мавзусини қамраб олган дунёдаги биринчи тадқиқот бўлади.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида энг яқин кўмондонларидан фақат бир киши амирул-умаро этиб тайинланган. Темур ушбу лавозимга тайинланадиган шахс куйидаги фазилатларга эга бўлиши лозим дейди: “Шундай киши амирул-умаро бўла оладики, мен йўғимда, тинчлигу савашда ўринбосарим бўлиб, шон-шавкат ва маҳобат билан бутун сипоҳга буйруқ бериб, унга қаршилиқ қилганларни жазолай оладиган бўлсин”.

35 йиллик узлуксиз юришлар ва урушлар жараёнида Амир Темур ўз кўшинини такомиллаштириб борди ва ҳар қандай шароитда жанг қила оладиган қобилиятга эга қилди. Масалан, ўша даврнинг энг йирик жанги Амир Темур билан Тўхтамиш ўртасида 1391 йили Қундузча мавзесидаги урушни олайлик. Бу уруш жараёни Шарафуддин Али Яздий томонидан батафсил баён қилинган. Кўшиннинг жанговар тартиби бутунлай бошқача кўринишда бўлган. Энг аввало, Амир Темур ўз армиясини етти қўл (корпус) га бўлади. Баъзи қўллар Амир Темур томонидан захирага қолдирилган. Бундай тартиб қанотларнигина эмас, марказни ҳам қудратли қилган. Марказ ихтиёрида энди авангард, қанбул ва эҳтиёт қисмлар бўлиб, кўпинча у жанг тақдирини ҳал этган.

Амир Темур инсонни қадрлайдиган ва фарқ қила оладиган улкан арбоб эди. Ўзига ўринбосар, ноиб тайинлашда унга ҳаётий тажриба эмас, табиий қобилияти ҳам жуда қўл келган. Унда шундай илоҳий қудрат бор эдики, шу куч туфайли у оғир кунларда, яъни қозоқлик йилларида иқтидорли кишиларни ўзига эргаштира олди ва улардан садоқатли, жасур жангчилар тайёрлай олди. Жоку барлос, Амир Мусо, Амир Жалолиддин, Амир Ҳиндука, Ики Темур, Сулаймоншоҳ, Худойдод, Бердибек, Шоҳмалик, Шайх Нуриддин қабилар шундай кишилар сирасидан эди.

Хулоса ўрнида шуниси айтиш жоизки, Амир Темур тарихини ўрганишда унинг давлат бошқарувида муҳим ўрин тутган ҳарбий қўмондонлари шахсини ўрганиш, қўшинида қўлланилган тактика ва стратегия йўллари ҳам тадқиқ этиш муҳим долзарб масала ҳисобланади. Ҳозирда одамлар ўз тарихини китоб ўқишдан кўра, бу жараёни кинода, фильмларда кўриш орқали ўрганаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунга кўра ўзбек киноматографлари ҳам Амир Темур тарихига оид бўлган фильмлар яратиб, уларни ватандошларимиз эътиборига ҳавола этганларида жуда ҳам яхши иш бўларди.



*The specialists of Novosibirsk State University (Russia) are the first who retrofit war biography of 12 military leaders of the Central Asian Great statesman Amir Temur. The history believes that in world science both should be studied the chief war leaders as Napoleon or Chinggis Khan and also their commanders. Particularly studies of sources convince of a number of successfully military marshes of Amir Temur were executed by his commanders, and his confidence in them. Among them there are some prominent whose personality will produce interest of up-to-date serviceman. Thus, their biography closely reproduce the development of military ideas at the Asian powerful army in the 14<sup>th</sup> century.*

|  |     |
|--|-----|
| <b>Н.Муҳамедов</b>   |     |
| Темурийлар сиёсий муносабатларида Хожа Аҳрорнинг ўрни.....   | 76  |
| <b>В.П. Родак</b>  |     |
| Амир Темур – создатель новой административно-правовой системы в Мавераннахре.....  | 79  |
| <b>Я.А. Турдимуратов</b>   |     |
| Амир Темур кўмондонлари.....   | 83  |
| <b>А.Қиличев</b>   |     |
| Амир Темур давлатчилигининг мустаҳкамланишида хавфсизлик хизматининг ўрни ва ўзига хос хусусиятлари.....                                   | 88  |
| <b>Д.Д. Бахронов, Д.Ф. Ҳошимова</b>  |     |
| Ўзбекистон Олий ҳарбий ўқув юртларида Амир Темурнинг ҳарбий маҳоратини ўрганиш.....  | 95  |
| <b>Н.Э. Муҳаммадиев, Р.М. Каримова</b>   |     |
| Амир Темур – ҳуқуқ-тартибот ҳимоячиларининг хислатлари, улар томонидан жиноятни аниқлаш ва жазо белгилашнинг ахлоқий жиҳатлари ҳақида..... | 98  |
| <b>А.Яҳёева</b>  |     |
| Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати – Ўзбекистон миллий армиясининг ҳарбий бошқарувида.....   | 103 |

## ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ РЕНЕССАНСИ

|   |     |
|---|-----|
| <b>А.Ҳакимов</b>  |     |
| Значение искусства эпохи Темуридов в развитии мировой художественной культуры.....        | 109 |
| <b>З.Орипов</b>   |     |
| Алишер Навоий ва ўзбек мумтоз мусикаси.....   | 116 |
| <b>А.Маликов</b>  |     |
| Городское планирование и цитадель Самарканда в эпоху Амира Темура.....                    | 122 |
| <b>Д.Р. Нормуродов, С.Р. Ильясова, Э.Ф. Вульферт</b>                                      |     |
| Тошкент воҳасидаги темурийлар даврига оид ерости иншооти.....                             | 127 |
| <b>Р.Р. Нурқулова, Ф.Ш. Ақчаев</b>  |     |
| Амир Темур ҳукмронлиги даврида муқаддас кадамжо ва зиёратгоҳларга муносабат масаласи..... | 131 |
| <b>М.Саидов</b>   |     |
| Самарқанддаги Шероз қишлоғи.....  | 133 |

# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

Махсус сон ✦ 2010



ВЕСТНИК НУУЗ ✦ АСТА NUUZ

# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ ВЕСТНИК НУУ АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ 1997 ЙИЛДАН  
ЧИҚА БОШЛАГАН

ТАРИХ ТУРКУМИ

# 2010

МАХСУС СОН

Бош муҳаррир:  
Ғ.И. МУҲАМЕДОВ

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
Т.А. АБДРАҲМОНОВ  
Р.Х. МУРТАЗАЕВА

Таҳрир хайъати:  
А.А. АБДУАЗИЗОВ  
Ш.О. АЛИМОВ  
Ю.Ф. БУРЯКОВ  
Т.Н. ДОЛИМОВ  
Н.А. ЖАББОРОВ  
Қ.Т. ИРНАЗАРОВ  
С.С. МАМАШОКИРОВ  
Ў.Н. МУСАЕВ  
Ш.О. ОТАЖОНОВ  
М.М. РАҲИМОВ  
А.С. СОЛИЕВ  
Ҳ.А. ТОЙЧИЕВ  
Ф.Т. ЭГАМБЕРДИЕВ

Таҳрир кенгаши:  
Б.Ж. ЭШОВ  
Х.Э. ЮНУСОВА  
М.М. ХАЙДАРОВ  
Т.И. ДОРОШЕНКО  
А.А. ОДИЛОВ

Масъул котиб:  
К.РИХСИЕВ

ТОШКЕНТ  
«УНИВЕРСИТЕТ»  
2010

## МУНДАРИЖА

## ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРИХИ

|   |    |
|---|----|
| Абдуқаюмов А.Р. Суғднинг савдо-иқтисодий алоқаларидаги хунармандчилик маҳсулотлари таснифига доир.....          | 4  |
| Атабекова С.Ф. Изобретения эпохи великих географических открытий.....   | 9  |
| Бийкузиев А.А. К проблеме изучения процесса седентеризации кочевников в Кушанском и Кангюйском государстве..... | 12 |
| Кобзева О.П. Об индийской диаспоре в Центральной Азии и Великом Шелковом пути.....                              | 15 |
| Кубаев О. Ўрта Осиёнинг қадимги халқаро маданий алоқалари тарихидан.....  | 18 |
| Тожиёва М.У. Жамиятда аёлларнинг роли ва мавқеи. (тарихий аспект).....  | 21 |
| Турдимуродов Я. Чорвачилик удумларида қадимий диний эътиқодлар излари.....                                      | 26 |

## МАНБАШУНОСЛИК, ТАРИХШУНОСЛИК ВА АТАМАШУНОСЛИК

|   |    |
|---|----|
| Атабаева Х. Ризоқулихон Ҳидоятнинг "Сафаратномаи Хоразм" асари Хива ва Эрон муносабатларини ёритувчи муҳим манба.....                     | 30 |
| Атаджанова С. Историография проблемы международного сотрудничества Республики Узбекистан с Казахстаном и Кыргызстаном (1991-2001гг.)..... | 34 |
| Икрамова Н. Туркистон АССРда хотин-қизлар эмансипацияси тарихшунослигига доир.....  | 40 |
| Исакова М.С. Значение аудиовизуальных источников ЦГА КФФД РУз в изучении творчества Г. Гуляма.....  | 43 |
| Маткаримова С. XIX–XX аср бошига мансуб Хива хонлиги тарихини ўрганишда маҳаллий манбаларнинг аҳамияти.....                               | 46 |
| Мухаммаджонов А. "Давлат" ва "Давлатчилик" атамаларининг луғавий маъноси ва тарихий изоҳи.....  | 50 |
| Раҳмонқулова М. Ўрта Осиё кўлэзма китоб муқовалари материаллари ва уларнинг тайёрлаш технологиялари.....                                  | 53 |
| Султанов А.В. Медицинские трактаты врачей Средней Азии в IX–XVII века.....  | 56 |
| Чориев Ш.Ш. Туркистон тарихи бўйича ЎЗР МДАдаги хужжатлар таснифи.....  | 59 |
| Юнусова Г.Т. К вопросу об изучении историко - культурного наследия Узбекистана в Японии.....  | 62 |
| Ўрақов Д. Ўрта Осиё масаласида Россия ва Хитой манфаатларининг ўзаро кескинлашувига доир (XIX асрнинг 2- ярми).....                       | 65 |
| Ҳайдаров М.М. Хорижда Ўзбекистоннинг XX аср 20-30 йиллар тарихини ўрганишнинг баъзи жиҳатлари.....  | 68 |

## ТУРКИСТОН МУСТАМЛАКАЧИЛИК ДАВРИДА

|  |     |
|--|-----|
| Ворисов А. Ўзбекистонда давлат бошқаруви ҳақидаги қарашларнинг тарихий эволюцияси.....   | 72  |
| Дорошенко Т.И. Вклад русских ученых в становление Туркестанской публичной библиотеки.....  | 77  |
| Жумаев У.Х. Туркистонда пахта солиғининг жорий этилиши.....  | 80  |
| Иноятова Д.М. Немецкие переселенцы из южных областей России в Центральной Азии.....  | 83  |
| Махмудов О.А. Использование населения памиро-гиндукушского региона российской и британской разведками (вторая половина XIX - начало XX вв.)..... | 87  |
| Очилдиев Ф.Б. Амударё сув йўлининг Бухоро амирлиги иқтисодига таъсири.....   | 91  |
| Раҳманқулова З.Б. XIX асрда Буюк британия ва Усмонийлар давлатининг Ўрта Осиёдаги фаолияти тарихидан.....  | 94  |
| Тўхтабеков К.А. Пахтачиликнинг Туркистон ўлкаси иқтисодиётида тутган ўрни.....   | 97  |
| Холиқулов А.Б. XIX–XX аср бошларида Қашқадарё воҳаси шаҳарлари.....  | 101 |
| Юсупова Н.И. Саййид Мухаммадхон ҳукмронлиги даврида (1856-1864 йй.) Хива хонлигидаги ижтимоий – сиёсий жараёнлар.....                            | 105 |

## ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА

|  |     |
|--|-----|
| Бабаходжаева Х.А. Становление общеобразовательной школы в Узбекистане (1920-е годы).....   | 109 |
| Бахтиёрзода О. Б Академик И.Х.Хамрабаев и определение перспективных направлений развития национальной научной геологической школы.....             | 113 |
| Буранова Н.А. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммолар (1925-40 йиллар мисолида).....   | 117 |
| Ерметов А.А. Ўзбекистонда жамоалаштириш сиёсатининг ўтказилиши жараёнида ички ишлар органларининг фаолияти (XX аср 20-30 йиллари).....             | 120 |
| Ийманова Д. А. Совет давлатининг марказдан Ўзбекистонга ишчи кадрлар тайёрлаш сиёсати ва унинг оқибатлари (XX асрнинг 40-90 йиллари мисолида)..... | 123 |

## ЧОРВАЧИЛИК УДУМЛАРИДА ҚАДИМИЙ ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАР ИЗЛАРИ

Турдимуродов Я.А.\*

Этнографик тадқиқотларда халқларнинг хўжалик фаолиятини ўрганиш марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Хўжалик фаолиятини тадқиқ этиш орқали ҳар бир халқ ва этник гуруҳлардаги бир қатор мунозарали масалаларга оидлик киритиш мумкин. Чорвачилик анъанавий хўжалик машғулотларининг энг қадимий кўринишларидан ва тирикчилик манбаини белгиловчи асосий меҳнат турларидан бири бўлган. Инсоният тарихининг илк даврларидан бошлаб чорва билан боғлиқ топинишлар, эътиқодлар халқлар тармуш тарзида муҳим аҳамият касб этган. Чорвачилик удумлари ва расм-русумлари моҳиятига назар ташлар эканмиз, уларнинг аксариятида тотемизм, фетешизм, шаманизм, сеҳргарлик каби исломга қадар бўлган эътиқодлар устувор эканлигига гувоҳ бўламиз. Уларнинг айрим кўринишлари ҳозиргача сақланиб қолган. Чорвачилик удумларининг моҳияти ва улардан кўзланган асосий мақсад чорва сонини ошириш, уни турли касалликлар, ўлат, ёввойи ва йиртқич ҳайвонлар ҳамда ўғрилardan химоя қилишга йўналтирилган. Демак, чорвадорлар учун чорва ҳайвонлари соғлиги доимо муҳим аҳамият касб этган. Ўзбекистоннинг жанубий туманларида яшовчи аҳоли турмуши мисолида буни яққол кузатиш мумкин.

Ўзбекистоннинг жанубий туманларида яшовчи аҳоли чорвачилигида кўйчилик етакчи ўринда туради. Маълумки, туркий халқлар орасида кўй энг муқаддас жонивор ҳисобланган. Элшунос олима Е.М. Пещерева маълумотларига кўра, Ўрта Осиё халқларида кўйга қадимдан бало-қазодан асровчи илоҳий жонивор сафатида муносабатда бўлишган [1]. Ўзбек хонадонларида кўчор калла суягини ёмон кўзлардан асраш воситаси, қуроли сифатида бирон дарахтга ёки ёғочга осиб кўйиш одати ҳанузгача мавжуддир. Кўчор қадимги зардуштийлик динида уй эгаларини, уларнинг сихат-саломатлигини кўриқлаб турувчи илоҳий маъбуд сифатида талқин этилади. Қолаверса, Эрон ва қадимги Турон халқлари уруш ва ғалаба худосини кўчор тимсолида тасаввур қилганлар [2].

Ўзбек тўйларида кўчор уруштириш удуми узоқ асрлар давомида сақланиб келинган. Ушбу удумнинг келиб чиқиши хусусида қадимги муаррихларнинг Шарқий Бухоро аҳолиси тўғрисидаги маълумотларида қуйидагича изоҳланган: “Янги йилда йилнинг қандай келишини (ҳосилдор ёки ҳосилсиз) аниқлаш мақсадида етти кун давомида кўчор, от ва туя урушлари уюштирилган” [3]. Маҳаллий аҳоли кўчорнинг химоя ва турли офатларни

қайтарувчи кучига ишонган. Ўзбекистоннинг жанубидаги бир қанча туманларда “Кўчор ота”, “Кўчор мазор” деб номланган мазорлар мавжуд бўлиб, бу мазорларга одамлар зиёратга келиб, кўчор сўйиб қурбонлик қилганлар. Уйнинг дарвоза кесакисига (тепа кесакисининг ўртаси ёки икки ён кесакисига) кўчор шохларини қоқиб кўйиш одати айрим шаҳар ва қишлоқларда ҳозиргача сақланиб қолган. Халқ эътиқодига кўра, шохлар ховлини ва ховли эгаларини ёмон кўздан ва турли офатлардан сақлар экан. Кўзи-кўчор мазори Қашқадарё вилоятининг Муборак туманидаги Қарлик қишлоғида жойлашган. Бу мазорлардаги хона ёки масжид тепасидаги тош даҳмаларни айрим мазорларда шу кунларда ҳам кўриш мумкин [4].

Жанубий Ўзбекистон худудида Чўпонота номи билан аталган мазорлар муқаддас жой ҳисобланади. Одамлар бу мазорларга кўй етаклаб келиб қурбонлик қилганлар. Кўй эгалари ҳар йили икки маротаба (эрта баҳорда кўйни қишки қўтондан яйловга ҳайдаган пайтида ва кеч кузда кўй сурувини қишлоқ ерига олиб кириш пайтида) кўй сўйиб, Чўпон отага атаб худойи қилганлар. Худойига қишлоқ оқсоқоллари, амалдорлари таклиф қилинган. Зиёфатдан сўнг Чўпон отага атаб узундан узун сура ўқишиб, чорва эгасининг ҳаққига дуо қилганлар, молининг туёғини кўпайтиришни, турли офатлардан сақлаб қолишни Чўпон отадан сўрашган [5].

Чақалоқ тутилганда унинг киндиги бир бармоқ энича ёки тиззага ўлчаб кесилган, бу боланинг умри узун бўлиши тўғрисидаги магия қарашлар билан боғлиқ. Оққўрғон қишлоғида Ойниса момонинг айтишича, ўғил бола киндиги шу кунни кўчор шохига боғлаб кўйилган. Бу кўйнинг муқаддас ҳайвон сифатидаги тотемистик тасаввурлар билан боғлиқ бўлиши билан бирга бола ўз ризқини даладан топсин, кўйдаи юввош бўлсин деган маънога ишора ҳам бўлган. Хасталикка чалинган беморларни даволаш учун бемор атрофида мол айлантриб, қулоқ-бошини тортиб, елкасига қафти, этаги, ўнгири билан уриб, “дардни кўтариб ташлаш” учун ёвуз руҳларни қувишда эчкидан фойдаланишган [6]. Айрим хонадонларда боланинг тиши чиқишини енгиллатиш учун амалга оширилган удумлардан бири кўй ёки кўзиси устига ўтказилган. Бундан кўзланган мақсад, биринчидан, унинг тиши кўзичок тишидек бир текис чиқсин, иккинчидан, у кўй-кўзи каби ювош бўлсин деб ният қилинган. Хоразмда боланинг тиш чиқиши ёмон кечса, кўчор калла суягини олиштиб, икки киши уни боланинг боши устида секин

\*Турдимуродов Я. А. - ЎЗМУ тарих факультети аспиранти.

текизган холда ушлаб туришган. Сўнгра калла суякни бўлак-лаб ташлашган. Хивада эркаклар бирон ишни бошлашдан олдин мол бозорига боришган ва ишлари бароридан келиши учун кўй бошидан ушлаш урф бўлган [7].

Сурхон воҳаси кишлоқларида бола хатна қилингандан сўнг унга дахл қилиб қолиши мумкин бўлган ёвуз кучларни қувиш учун балоказолар, зиён-захматлар кетсин деган маънода бола бошидан хўроз ёки тўй учун сўйилган кўйнинг териси айлантирилган [8]. Тери ҳовлининг хилватроқ жойига қўмилган ёки устага бериб юборилган. Хўроз ёки кўй терисини айлантириш ибтидоий диний эътиқод излари бўлиб, Дж. Фрезернинг фикрича, қадимда одамлар илоҳий кучлар, худоларни хайвонларга нисбатан культ тимсолида тасаввур қилганлар. Бунинг икки хил маъноси бўлган. Биринчиси- уни ўлдириш, гўштини ейиш, кишилар тасаввурда ёмонлик келтирган. Иккинчиси – у ҳалол, тоза, шунинг учун унинг гўштини истеъмол қилиб, ўша хайвон ёки унинг азвоси инс-жинсларни хайдовчи сеҳрли восита саналган. Қадимги Мисрнинг Фива оролидаги халқ тасаввурда ҳам кўй муқаддас хайвон саналган [9].

Чўпонларнинг асосий иш қуроли бўлган таёғи ҳам ўзига хос магик хусусиятга эга ҳисобланади. Чўпон таёғи одатда қалин (тахминан 3-5 см) ва узунлиги қарийб 1,5 м бўлиб, пишиқ бўлган “четан”, “қиргай” ёки “қизил туг” дарахтидан қилинади. Таёқ чўпонга тоғларда юришда, даралардан сакраб ўтишда, кўйларни ҳайдаш ва йиғишда ёрдам беради. Чўпон таёқ ёрдамида хайкирикка қулоқ солмаган кўйларни бўйсундирган, отарга хужум қилган бўриларни ҳайдаган. Чўпон таёғи муқаддас ҳисобланганлиги боис чўпон бўлувчи шахс унга эга бўлиш ниятида қурбонлик сифатида, бирор-бир хайвонни сўйган. Шундан кейингина чўпон таёғига эга бўлган. Ўз навбатида таёқдан бошқа нарса билан хайвонлар урилмаган ва таёқни босиш ҳам гуноҳ ҳисобланган [10]. Кимда ким ногаҳон босиб олса, уни ердан икки қўли билан кўтариб олиши ва уч маротаба ўпиши керак бўлган. Агар таёқни қимдир хатлаб ўтса, ортга хатлаб ўтиши лозим бўлган. Халқ орасида қимки чўпон таёғини хатлаб ўтса, таёққа ўхшаб қуриши, хомиладор аёллар эса муддатидан олдин кўзи ёриши мумкин деган тасаввурлар мавжуд [11].

Агар шу таёқ устидан моллар ўтиб қолгудек бўлса, улар бирор дардга чалинади ва айнан шу таёқ билан касал хайвон силаб даволаниши керак деган тавсия берилган. Шу мулоҳазага биноан чўпонлар таёқларини доимо ўзлари билан олиб юрганлар ва уни оёқ остига эмас, четроққа қўйишга ҳаракат қилганлар. Мол сонининг кўпайиши ёки қамайишини чорвадорлар чўпон таёғининг хосиятли ёки хосиятсизлиги билан боғлашади. Тоғ ва тоғолди худудлари аҳолиси билан олиб борилган дала таджикотларига кўра, чўпон таёғи билан боғлиқ урф-одатлар мавжуд бўлиб, чўпон таёғи учун махсус жой ажратилган ва уни оёқ ости бўлишига йўл қўйишмаган. Чўпон таёғи уларнинг назарида оёқ остида қолса, чорвага

касаллик тегиши мумкин деб ҳисоблашган. Чўпон таёғи алоҳида эъзозланиши ҳақида кишлоқ оксоқоллари гувоҳлик беради [12].

Ўзбек қипчоқлари омадли танланган чўпон таёғи кўп хосиятларга эга деб билишади. Халқ оғзаки ижодида “Кўйчининг таёғидан, келиннинг оёғидан” деган мақол бекорга келиб чиқмаган. Шунинг учун чўпон таёқни танлаш, олиб юриш, саклаш жиддий иш деб ҳисоблаган. Отарни ёзги яйловларга ҳайдашдан олдин таёққа ёғ суркашган. Агар чўпон ўз хўжайинидан ҳисоб-китобни тўғри қилмаётгани учун норози бўлиб кетмокчи бўлса, чўпон ўз таёғини ташлаб, бундан кейин унинг кўйларини боқмаслигини айтган. Шундан сўнг чўпоннинг ушбу отарга қайтиши мумкин бўлмаган [13]. Бундан ташқари ўзбекларда чўпон таёғида қасамёд қилиш удуми ҳам мавжуд бўлган.

Чўпон таёғини ерга қўйишиб, қасамёд қилувчилар: “Таёқдай қурий”- дейишган ва уч марта унинг устидан сакрашган. Ўзбек лақайлари чўпон таёғи устидан сакраб ўтишни ота-боболари қасамёди деб билишади. Бошқа ўзбек уруғларида бу удум тақикланиб, уни беҳосият иш деб ҳисоблашади. Ўзбек лақайлари нафақат чўпон таёқ билан, балки йилкибоқарнинг қамчини билан ҳам қасам ичишган. Агар бирон йилкибоқар бошқасини от ўғирлигида айбласа, ўзининг қамчисини ерга ташлаб айбланувчига қараб “ирғиб ўт” деган. Агарда айбланувчи ҳақиқатдан ҳам ўғрилиқ қилган бўлса, ундан ирғиб ўтмаган. Чунки ёлғон қасам ичиб, таёқдан сакраб ўтган кишини, албатта, ўлимга олиб келади, деб тасаввур қилинган [14].

Илгари ўзбекларда кўйларни баҳорги ва ёзги яйловларга чиқаришдан олдин кўйни ёвуз кучлардан тозалаш удуми ўтказилган. Чўпонлардан бири қўлида ёндирилган машъала билан қўтондаги отарни айланиб чиққан ҳамда қўтондан чиқиш олдидан кўйларга исирик (*raganum harmala*-исирик, исвон) тутатган. Бу уларни ёмон кўзлардан асраш ва нопок кучлардан тозалаш учун амалга оширилган. Отар эгаси кўйларини яйловга ҳайдаш олдидан кўй сўйиб, кишлоқнинг бообрў кишиларини ва муллани чакириб, “Чўпон ота” ҳақкига дуо ўқиганлар. Иштирокчиларнинг барчаси қўлларини дуога очишиб, отар эгасига яхши тилақлар билдиришган. Отар кишлоқга қайтганда қўтонга кириш олдидан чўпонлар қатта гулханни ёвуз кучларни ҳайдаш учун ёққанлар. Бунинг учун қўтон эшиги олдида икки томонга (бир-биридан олти-етти кадам ораликда) гулхан ёқишиб, кўйларни олов оралигидан ҳайдаб (“тозалаб”) кўрага киргизишган. Кейин кўйларга исирик тутатишган. Отар эгаси яна кўй сўйиб, зиёфат уюштирган, мулла рисола (қасб, машғулот тарихи билан боғлиқ низом) ўқиб, яратганга шукроналар қилишган [15].

Кўриниб турибдики, ўзбек қўйчивонлари орасида магик хусусиятларга ишониб кучли бўлган. Бунинг ўзига хос сабаблар ҳам бор, албатта. Аммо шуни унутмаслик керакки, юқоридаги амалга оширилган ишлар қайсидир

маънода ижобий натижа берганлигини кўпчилик кекса чўпонлар таъкидлаб ўтишади. Умуман айтганда, шунга ўхшаш амалларга ишонч катта бўлган. Сурхондарёда ва Ўзбекистоннинг бошқа туманларида оловнинг тозаловчи кучига ишониш узок вақтларгача сақланган [16]. Халқ орасида олов билан боғлиқ яна бир қанча одатлар ҳам бор. Зардуштийлик диний удумларининг баъзи бир кўринишлари ислом дини кириб келгандан сўнг ҳам йўқолиб кетмасдан, балки у ислом билан аралашиб, қоришиб кетган. Шундай қилиб, ислом дини Ўрта Осиё халқларининг, жумладан, ўзбек халқининг қадимги диний тасаввурларидан жуда кўп одатларини ўзлаштирган ва уни ислом ақидаларига мослаштирган.

С.А. Токаревнинг маълумотига кўра, айрим уруғ ёки қабиланинг “тотеми” бўлган ҳайвонлар кишилар тасаввурида диний эътиқоднинг шаклланишига сабаб бўлган. Бу ўша ҳайвон уруғ қабила ижтимоий хўжалик ҳаётида муҳим роль ўйнаганлиги билан боғланади [17]. Бундан хулоса шуки, чорвачилик билан шуғулланган воҳадаги ярим ўтроқ ўзбеклар ҳаётида қўйчилик муҳим ўрин тутиб келган. Қўй тотемини мукаддаслаштириш ўзбекларнинг баъзи одатларида намоён бўлади. Булар меҳмон оёғи тагига қўй сўйиш, иморатлар ва полизларда қўчқор калласи ва шохини осиб қўйиш, тиши тушган бола тишини қўй оёғи остига ташлаш, келинни узатиб кетишдан олдин қўй терисига ёки теридан тикилган пўстинга ўтказиш ва ҳоказолар. Ўтмишда айрим жониворларга тотем, аждод тимсоли сифатида сиғинилиши билан бир

қаторда уларнинг баъзиларини рамзий хомий сифатида мукаддаслаштирганлар [18].

Чорвадор ўзбеклар турмушида ҳам удумлар ва расм-русумлар муҳим аҳамият касб этган. Уларнинг турмушини тадқиқ қилган Б.Х. Кармишева, А.А. Диваев, К.Ш. Шониезов, Ҳ.Тошев ва бошқа этнограф олимлар ўз асарларида ўзбек чорвадорлари удумлари ва расм-русумлари хусусида қатор маълумотлар бериб ўтганлар. Удумлар ва урф-одатларнинг вужудга келишини чорвани боқиш машаққатли ва оғир бўлганлиги билан боғлашади. Бухоро амирлиги ҳудудида XX аср биринчи чорагига қадар қарийб умуман ветеринар ва зоотехник хизмати бўлмаган. 1910 йили амирликда атиги битта ветеринар шифокор бўлган. 1912 йили 2 та ветеринар пункти ташкил этилган [19]. Шунинг учун бутун амирлик ҳудудида бўлгани каби Ўзбекистоннинг жанубий туманларида ҳам тадқиқотчиларнинг чорванинг катта қисми турли касалликлар оқибатида қирилиб кетган.

Хўжаликка оид муаммоларни тадқиқ этиш этнология фанининг вазифаларидан бири бўлиб, хўжалик жамият ишлаб чиқариш кучларининг ривож, меҳнат тақсимоти билан боғлиқ фундаментал ижтимоий-иқтисодий масалалар туркумига киради. Ўзбек халқи анъанавий ҳаётидаги қадимий диний эътиқодлар изларини ўрганиш амал қилинаётган удумлар ва урф-одатлар моҳиятини маълум маънода англашга ёрдам беради ва унутилиб бораётган баъзи бир маросимларни маданий мерос сифатида қайта тиклашга кўмаклашади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Пещерева Е.М. Гончарное производство Средней Азии. - М.: Наука, 1959. - С. 100.
2. Ягодин Б.Н., Ходжайов Т.К. Некрополи древнего Миздахкана. - Т.: Фан, 1970. - С. 115.
3. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. - М.: Наука, 1969. - С. 316-317.
4. Бўриев О. Ўзбек оиласи тарихидан: Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари турмушидан тарихий этнографик лавҳалар. - Т.: Ўқитувчи, 1995. - Б.28.
5. Дала ёзувлари. Жарқўрғон тумани, Исмоилтепа қишлоғи, 2008 йил.
6. Дала ёзувлари. Жарқўрғон тумани, Оққўрғон қишлоғи, 2008 йил.
7. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. - М.: Наука, 1969. - С. 316.
8. Дала ёзувлари. Кумқўрғон тумани, Янги ер қишлоғи, 2007 йил.
9. Фрезер Д. Золотая ветвь. Вып.3. - М., 1928. - С. 171-173.
10. Аспириров А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. - Т., 2007. - 158 б.
11. Шаниязов К. Узбеки-карлуки (историко-этнографический очерк). - Т.: Наука, 1964. - С.76-77.
12. Дала ёзувлари. Шеробод тумани, Хамкон қишлоғи, 2006 йил.
13. Кармишева Б.Х. Узбеки-локайцы южного Таджикистана. Вып.1. ТИИАЭ АН ТадССР. - Сталинабад. 1954. - С.114.
14. Кармишева Б.Х. Ўша асар. - Б.114.
15. Шаниязов К. Отгонное животноводство у узбеков. // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. - Л.: Наука, 1973. - С. 93.
16. Дала ёзувлари. Бойсун тумани, Каприн қишлоғи, 2005 йил.
17. Токарев С.А. Ранние формы религии. - М., 1990. - С. 65.
18. Соколов С.П. Культ животных в религиях. - М., 1982. - С. 9-43.
19. Шаниязов К. Отгонное животноводства у узбеков. // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. - Л.: Наука, 1973. - С. 89.

## РЕЗЮМЕ

В статье говорится о древних религиозных верованиях которые существовали, а некоторые и существует в обычаях скотоводов.

## SUMMARY

This article discusses traces of ancient existing religious beliefs, had still customs of cattle breeding as an example of southern areas of Uzbekistan.

# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

4-сонли ТАРИХ ТУРКУМИ ✪ 2012



ВЕСТНИК НУУЗ ✪ АСТА NUUZ

**ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ  
ВЕСТНИК НУУ  
АСТА NUUZ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ 1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА БОШЛАГАН**

**2012**

**4- СОНЛИ  
Тарих туркуми**

Бош мухаррир:  
**Ғ.И.МУҲАМЕДОВ**

Бош мухаррир ўринбосари:  
**Х.А.ТОЙЧИЕВ**

Тахрир хайъати:  
**Ҳ.И.АКБАРОВ  
Н.А.ЖАББОРОВ  
Р.А.ИКРОМОВ  
Х.Д.ИШБАЕВ  
Р.Й.МАҲАМАДАЛИЕВ  
Б.А.МЎМИНОВ  
Н.А.РАҲМОНОВ  
А.Ў.ЎТАМУРОДОВ  
М.М.ҲАЙДАРОВ  
Б.А.ШОЙМҚУЛОВ  
Ф.Т.ЭГАМБЕРДИЕВ  
Б.Х.ЭШЧАНОВ**

Тахрир кенгаши:  
**Р.Ҳ.МУРТАЗАЕВА  
Б.Ж.ЭШОВ  
Х.Э.ЮНУСОВА  
Т.И.ДОРОШЕНКО  
А.А.ОДИЛОВ  
Н.Т.ПОЛВОНОВ  
Д.М.ИНОЯТОВА**

Маъсул котиб:  
**К.РИХСИЕВ**

**Тошкент - 2012**

|   |     |
|---|-----|
| сиёсатнинг демографик ўзгаришига таъсири.....   | 88  |
| <b>Полвонов Н.Т.</b> XIX аср охири – XX аср бошларида Хива хонлигидаги Россия фуқаролари.....   | 91  |
| <b>Савицкая Н.А.</b> Рынки и базары Туркестанского края в начале XX века: попытки модернизации.....   | 96  |
| <b>Турдимуродов Я.А.</b> XX аср бошларида Сурхон воҳаси чорвадорларининг этнохудудий жойлашув бўйича хўжалик хусусиятлари.....  | 101 |
| <b>Холикова Р.Э., Тўхтабеков К.А.</b> XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида рус гарнизонлари ва манзилгохларининг ташкил этилиши ва унинг сабаблари..... | 106 |

### ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ХУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА

|   |     |
|---|-----|
| <b>Акбаева З.</b> Туркистонда ўлка мусулмонлар бюроси фаолияти тарихидан (1917-1919 йй.) .....                                    | 110 |
| <b>Асқаров М.Э.</b> Тошкент вилоятида ер-сув ислохотини ўтказилиши (1925-1926 йй) .....   | 112 |
| <b>Бабаджанов Х.Б.</b> Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон халқ хўжалигида кадрлар муаммоси ва уни хал этиш йўллари.....     | 117 |
| <b>Ишанходжаева З.Р.</b> Роль культурно-просветительских учреждений в идеологизации общества (20-е годы XX века).....             | 124 |
| <b>Мирзахамдамова Д.</b> Фарғона вилоятида саноат ривожланиши тарихшунослиги ҳақида баъзи мулоҳазалар (XX аср 46-70 йиллари)..... | 130 |
| <b>Одилов А.А.</b> XX аср иккинчи ярмида советларнинг динга қарши сиёсати.....  | 132 |
| <b>Саипова К.Д.</b> Краткая история шестилетнего существования Туркомнаца ТАССР.....  | 136 |
| <b>Ҳайдаров И.М.</b> Ўзбекистондаги халқ хўжалиги кенгашининг тарихига доир айрим тафсилотлар (1957 – 1965 йй.).....              | 139 |
| <b>Ҳайдаров М.</b> Ўзбекистоннинг “иттифокдош республика” мақоми ва унинг ҳуқуқий асослари .....                                  | 147 |
| <b>Ҳайназаров Б.</b> Совет ҳукмронлиги йилларида уйғур диаспорасининг демографик ҳолати.....                                      | 151 |
| <b>Ҳошимов С.А.</b> Бухоро республикасида совет ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилган ҳарбий, сиёсий репрессиялар.....   | 157 |
| <b>Юнусова Х.Э.</b> Ўзбекистонда иқтисодий турғунлик, унинг сабаблари ва оқибатлари (XX аср 80-йиллари мисолида).....             | 164 |

### ТАРИХИЙ ДЕМОГРАФИЯ ВА УРБАНИЗАЦИЯ

|  |     |
|--|-----|
| <b>Атабекова С.Ф.</b> Роль общечеловеческих ценностей в семейных отношениях..... | 169 |
| <b>Мирзалиев У.Б.</b> Мустақиллик даврида Жиззах вилоятининг демографик          |     |

## XX АСР БОШЛАРИДА СУРХОН ВОҲАСИ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ЭТНОХУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВ БЎЙИЧА ХЎЖАЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Турдимуродов Я.А.\*

Дунёдаги кўплаб халқларнинг турмуш тарзи ва тирикчилик манбаини белгиловчи асосий хўжалик шаклларида бири чорвачилик ҳисобланади. Ўзбекистон аҳолиси қадим даврлардан буён чорвачилик билан шуғулланиб келади. Бунга мамлакатдаги дашт, тоғолди ва тоғли туманларда мавжуд кенг яйловлар имкон берган. Сурхон воҳаси Ўзбекистондаги анъанавий чорвачилик ривожланган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Воҳа табиий шароити чорвачилик билан шуғулланиш учун жуда қулай бўлиб, ҳудуддаги бой мавсумий яйловлар ва иссиқ иқлим кўпчилик туманларда чорвани йил давомида дала ва яйлов ўтлари билан боқиш имконини беради. Катта майдонларни эгаллаб ётган ва ем-хашак озуқаларига ғоят бой бўлган серўт тоғ яйловларининг мавжудлиги ва уларда энг арзон яйлов усулида мол боқиш имконияти борлиги воҳада чорвачиликнинг етакчи ўринни эгаллашга кўп жиҳатдан сабаб бўлган. Бундан ташқари, бу ерда чорвачиликнинг ривожланиши деҳқончилик учун у ёки бу сабабларга кўра яроқсиз ерлардан унумли фойдаланишга имкон беради.

Чорвачилик асосан воҳанинг тоғ ёнбағирлари ва дашт ҳудудларида ривожланган. Боботоғ, Ҳисор тоғ тизмаларида ва воҳанинг ўрта қисмидаги дашт ерларида чорва моллари, айниқса, кўплаб боқилган. Маълумотларга кўра, Денов, Юрчи бекликларида чорвачиликнинг асосини қўй, эчки, от ва қорамол ташкил этган. Шеробод беклигида қўй, эчки, туя, йирик шохли ҳайвонлар, Бойсун беклигида эса қўй, эчки, туя ва от каби чорва моллари кўпчиликни ташкил этган. Ушбу бекликлардаги баъзи бойларнинг қўй ва эчкилари миқдори 2 мингдан ошиқ бўлганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд [1].

Илгари чорва ҳайвонлари чорвадорлар билан биргаликда зироатчи аҳоли турмушида, анъанавий деҳқончилик хўжалигида ҳам унинг зарур таркибий қисми сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Зироатчилар улардан асосан улов, ёрдамчи куч ва қўшимча даромад манбаи сифатида фойдаланганлар. Умуман олганда, чорвачилик аҳолини иш ҳайвонлари (от, эшак, хўкиз, туя) ва озиқ-овқат маҳсулотлари (гўшт, сут ва сут маҳсулотлари), енгил саноатни хом-ашё (тери, жун) билан таъминлаган, экин ҳосилдорлигини оширишда қўй ва қорамол гўнги ўғит вазифасини ўтаган. Бундан ташқари чорвачилик воҳанинг ички ва ташқи савдосида ҳам асосий маҳсулот бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун ҳам хўжаликнинг ушбу тармоғи воҳа этноиктисодиётида етакчи ўринда турган.

XX аср бошларида Сурхон воҳасида аҳоли асосан Сурхондарё, Шерободдарё ва унинг ирмоқлари бўйида жойлашган эди. Воҳадаги тоғли ҳудудларда асосан тожиклар, ярим дашт паст тоғли ҳудудларда ва паст-баланд даштларда асосан ярим ўтроқ ўзбеклар, тоғ олди ва тоғ ёнбағирларида эса аҳоли аралаш тарзда яшаган [2]. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, вилоятнинг жанубий текислик қисмида аҳолининг жойлашуви ва этник гуруҳлари унинг шимолига нисбатан фарқ қилган. Ўзбеклар Боботоғнинг тоғ олди ҳудудлари ва Сурхондарёнинг юқори қисмида, тожиклар эса Тўпаланг, Сангардак, Обизаранг, Хўжаипок, Қизилсув, Қоратоғ дарёларининг ўнг ва чап соҳилларида яшашган [3]. Совет даврида Сурхон-Шеробод водийсида янги ўзлаштирилган ерларга, хусусан, Бешқўтон, Музробод, Истара чўл ҳудудларига асосан тоғли ва тоғолди аҳоли кўчириб келтирилди.

\* Турдимуродов Я.А. - ЎЗМУ стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси

XX аср бошларида Сурхон воҳасида чорвачилик билан асосан кўнғирот, турк, қарлуқ, қатағон, юз, дўрмон, қорақалпоқ, барлос каби этнографик гуруҳлари вакиллари, ўрта осий араблари, тожиклар, туркманлар шуғулланган [4]. Кейинчалик улар домий ўтроқлашув туфайли аралаш хўжалик юритиш тарзига ўтишган бўлсада, уларнинг кўпчилиги хўжалигида чорвачилик устун бўлиб қолаверган. Шунга кўра, чорвачилик билан шуғулланувчи воҳа аҳолисини хўжалик фаолиятига ва ундаги чорвачиликнинг даражасига қараб шартли равишда уларни чорвадор, чорвадор-деҳқон ва деҳқон-чорвадорга бўлиш мумкин. Чорвадорларда чорвани боқишнинг яйлов тизими, чорвадор-деҳқонларда ҳайдов-ййлов тизими, деҳқон-чорвадорларда эса кўра-ййлов тизими устун бўлган.

Ўрганилаётган ҳудуднинг аҳолиси бошқа тарихий-маданий вилоятлар аҳолисидан фарқ қилиб, маълум кичик ҳудудий кенглик ва баъзи йирик аҳоли пунктлари ўртасида ҳам айрим тафовутларга эга эди. Маълумки, қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантиришда иқлим табиий омиллар сифатида муҳим ўрин тутди. Шунингдек, чорва таркиби ҳам кўпроқ ҳудуд табиий шароити ва экологик омилларига боғлиқ бўлади. Демак, ҳар бир ҳудудий гуруҳ жойлашган жойнинг табиий географик хусусиятларидан келиб чиқиб, аҳоли хўжалигида ва моддий маданиятида ўзига хос хусусият касб этган. Жумладан, Сурхон воҳасида яшовчи чорвадорлар хўжалигида ҳам этнохудудий жойлашувига кўра, хусусан, тоғ, тоғолди ва дашт ҳудудларида чорва таркиби ва уни боқиш усулларида бир қатор фарқли жиҳатларни ҳам кузатиш мумкин. Воҳадаги ҳар қайси уруғ турли чорва молларини боқишга ихтисослашган [5].

XX аср ўрталарига қадар чорвачилик кўнғиротлар хўжалиги ва иқтисодиётининг асоси ҳисобланган. Воҳада кўнғиротлар моҳир чорвадорлар сифатида ном қозонишган. Ўрта Осийда миллий ҳудудий чегараланиш

ўтказилгунга қадар кўнғиротлар асосан чорвачилик, хусусан, кўйчилик ва қисман туячилик билан шуғулланган ҳолда ярим ўтроқ ҳаёт тарзини кечиришган. Тоғ ва тоғолди ҳудудларида яшовчи кўнғиротлар асосан кўйнинг ҳисори, текисликда эса қорақўл ва бошқа кўй турларини боқишган. Туячилик билан фақат дашт ҳудудларида яшовчи кўнғиротлар шуғулланишган. Лекин кейинчалик улар лалми деҳқончилик билан ҳам шуғуллана бошлашган. Фақатгина ўтган асрнинг биринчи ярмидан сўнг кўнғиротларнинг асосий қисми ўтроқлашиб, бошқа уруғлар билан аралаш тарзда яшай бошлашган. Бу эса улар хўжалигида эндиликда йирик шохли қорамол ҳам боқилишига сабаб бўлган. Воҳанинг тожиклар ва ўзбеклар аралаш яшайдиган ҳудудларида чорвачилик билан асосан кўнғиротлар шуғулланишган.

XX аср биринчи чорагига қадар асосий машғулот чорвачилик бўлган турклар асосан воҳанинг тоғ олди ва тоғ ўрта қисмларида яшаган. Шунинг учун ҳам адабиётларда баъзан уларни тоғли турклар деб аташади [2]. Туркларнинг кўчиши чағатойлар ва тожиклар қишлоқлари жойлашган ерга яқин бўлса, чағатойлар ва тожиклар тоғли дарё водийларини, турклар эса одатда ўрмонсиз тепаликлардан иборат сув айирғич жойларни эгаллашган. Турклар чорвани кун давомида яйлов озукаси билан сақлаш орқали ҳайдов кўйчилиги ва қисман йилқичилик билан шуғулланишган [6]. Кейинчалик улар домий ўтроқ турмуш тарзига ўтиб, чорвачиликдан ташқари деҳқончилик билан ҳам шуғуллана бошлашган.

XIX аср охирига қадар, яъни қарлуқларнинг домий ўтроқ турмуш тарзига ўтгунга қадар асосий машғулот чорвачилик бўлган. Қарлуқлар қадимий кўйчивонлар бўлиб, кўйларни боқиш ва етиштириш йўллари яхши билишган. Улар қўшни тожикларга бу соҳада кўп нарсаларни ўргатишган. Улар маданиятидаги ўзаро таъсир хўжалиги турмуши ва урф-одатларида кўзга

ташланади. Маҳаллий ўтроқ аҳоли таъсири остида улар ҳам аста-секин деҳқончиликка ўтишади [7]. Аммо чорвачилик улар учун муҳим хўжалик тури бўлиб қолаверади. Улар хўжалигида чорвачилик лалми деҳқончилик билан аралаш ҳолда олиб борилган.

XX аср бошларида воҳадаги барлослар ўзбек-чағатойлари ва тожиклар билан аралаш ҳолда яшаган. Улар тожик қишлоғи-Дашнободда ўрнашиб олиб, кўшни чағатойлардан боғдорчилик ва зироатчиликни қабул қилишган. Чағатойлар ҳам ўз навбатида чорвачиликни юритиш усулларини ўрганиб олишган [2.С.139]. Барлосларнинг кўпчилик қисми ўтроқ турмуш тарзига ўтгач, кейинчалик зироатчилик, боғдорчилик, узумчилик, қисман хунармандчилик билан ҳам шуғуллана бошлашган. Эндиликда деҳқончилик ва боғдорчилик уларнинг асосий машғулотларига айланган.

Дўрмонлар ҳам ўрганилаётган даврда воҳада анча кенг ҳудудларда тарқалганлигини кузатиш мумкин. Шеробод воҳасида, Шеробод дарёсининг ўнг irmoғида жойлашган Ҳожиги қишлоғи аҳолисининг кўпчилигини дўрмонлар ташкил этган. Дўрмонлар асосан Боботоғнинг шимолий қисмида ва собиқ Шеробод беклиги ҳудудларда яшаган [8]. Дўрмонлар чорвачилигида йирик шохли қорамолчилик ва кўйчилик етакчи ўринда турган. Улар чорвачиликни лалми деҳқончилик билан кўшиб олиб боришган. Кейинчалик дўрмонлар бошқа хўжалик турларига, хусусан, боғдорчиликка ҳам ўтишган [9]. Қатағонлар илгари асосан тоғли ҳудудларни эгаллашган бўлиб, улар асосан йирик шохли қорамолчилик ва қисман кўйчиликка ихтисослашган. Бекликлар даврида қатағонлар чорвачиликдан ташқари деҳқончилик ва боғдорчилик билан ҳам шуғулланишган. 1937-1938 йилларда кўплаб тоғли қатағонлар воҳага тушиб, пахтачилик, чорвачилик ва бошқа хўжалик соҳалари билан шуғулланишда давом этишган [3].

Тоғ ва тоғолди ҳудудларида яшовчи тожикларнинг ҳам асосий машғулоти

чорвачилик бўлган. Илгари тоғли тожиклар хўжалигининг асосини кўй-эчкичилик ташкил этган бўлса, ўтроқ зироаткор тожик-чағатойлар кўпроқ йирик шохли қорамол боқишган. Эчки боқиш тоғлик тожиклар хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Эчкилар юриш қийин бўлган тоғ адирларида ҳам озуқа топа олган. Ҳар бир тоғли халқ хўжалигида ўртача 10-12 та эчки, 8-10 та кўй ва 1-2 та сиғири бўлган. Ҳозирда фақат Бойсун туманининг тоғли ва тоғолди қишлоқларида асосан чорвачилик билан шуғулланадиган тожиклар кўпчиликини ташкил этади.

Воҳада яшовчи араблар, хусусан, Рабатак қишлоғи араблари асосан кўйчилик билан шуғулланишган. Рабатак арабларининг яйловлари асосан Таллашқон, Қизириқ даштлари бўлиб, улар асосан ҳисори кўйларни боқишган. Араб бойларининг ҳар бирида 5-6 сурувгача кўй-эчкилари бўлиб, ҳар сурувда 500-600 бош кўй бўлган [6]. Воҳада яшовчи чорвадор аҳоли вакилларида яна бири қорақалпоқлар ҳисобланади. Қорақалпоқ уруғи асосан Шеробод туманидаги Хомкон қишлоғида яшайди ва ҳозиргача улар хўжалигида чорвачилик етакчи ўринда туради. Улар асосан ҳисори ва жайдари кўйларни боқишади.

XX аср 20-йилларида воҳада янги ерларнинг ўзлаштирилиши муносабати билан тоғ ва адирликларда яшаган аҳоли куйи ҳудудларга кўчирилган. Ички миграцияларнинг кучайиши туфайли Сурхон воҳасида яшовчи уруғларнинг кўпчилиги ўзаро аралаш тарзда яшай бошлайди. Бу эса воҳадаги асосий аҳолининг аралаш хўжалик фаолиятини юритишига олиб келди. Бундан ташқари ушбу ҳудудларда хўжалик алмашинув жараёнлари ҳам содир бўлди. Масалан, воҳанинг Хуфар, Миланд, Сангардак каби тожик қишлоқларига ўзбек чорвадорлари кўчиб келганидан сўнг, тожиклар ўзбек тилида гаплашадиган ва чорвачилик билан шуғулланадиган бўлишди [3]. Шунингдек, ўтроқ тожиклар билан чамбарчас алоқада бўлган

қўнғиротлар уларга қўйларни боқиш йўл-йўриқларини ўргатишган. Ўз навбатида қўнғиротлар тожиклардан бугдой етиштириш ва ун қилишни ўрганиб олишган. Сурхон ва Шерободдарё хавасида ўтроқ ўзбек ва тожик аҳолиси ўртасида ёзги турар жой сифатида ўтовлар кенг тарқалган эди. Айрим жойларда тожик аёллари жундан нақшли наъматлар (кигизлар) тайёрлаб ўтов учун тукли маҳсулотлар тўқишар эди [10]. Сигир ёғини қўй ичагидан тайёрланган идишда сақлаш усули ва бошқалар тожиклар турмушига чорвадорлардан кириб келган. Ўзбек юзлари ва қоратамғалилар воҳада шоликорлик билан шуғулланиб, тоғлик тожикларга шили етиштиришни ўргатишган. Кўриниб турибдики, ўтроқлашув жараёни таъсирида аҳолининг хўжалик ва турмуш тарзида ўзига хос ўзгаришлар содир бўлган. Кейинги даврларда ҳам чорвачилик воҳа аҳолиси хўжалигида ўз аҳамиятини йўқотмади. Сабаби айнан юқорида тилга олинган этник ва этнографик гуруҳлар турмуш тарзида ва оила иқтисодида чорвачиликнинг ўрни катта бўлган.

Чорвачилик узоқ йиллар давомида воҳа аҳолиси учун асосий ва сердаромад тармоқ ҳисобланган. Воҳада яшовчи

чорвадор, чорвадор-деҳқон ва деҳқон-чорвадор аҳоли жойлашув ўрнига кўра турлича тақсимланган бўлиб, ўзлари яшайдиган худуднинг табиий имкониятларига мос турли чорвани боқишга ихтисослашган. Хусусан, қўнғиротлар қўйчилик ва туячиликка, қарлуқлар, турклар, араблар, туркманлар ва қорақалпоқлар қўйчиликка, лақайлар йилқичиликка, дўрмонлар, қатагонлар, юзлар йирик шохли қорамолчиликка, тоғли тожиклар эса эчкичиликка ихтисослашган эди [11]. Аммо кейинчалик улар хўжалигида чорвалари хилма – хиллашган.

Умуман олганда, XX аср бошларида Сурхон воҳасида кечган турли этник ва этнографик гуруҳлар ўртасидаги этномаданий алоқалар, бир-бирига таъсир ўтказиш улар моддий ва маънавий маданиятида намоён бўлган. Воҳада яшовчи чорвадорлар этнохудудий жойлашувига кўра хўжалик юритиш тарзи ҳам ўзига хос бўлган. Воҳа аҳолиси орасида улар ўтроқ аҳолига бутунлай аралашиб кетмаган, айримлари ўз уруғ-аймоқчилик тартибларини, хусусан, ўзига хос турмуш тарзи, урф-одат, маданият ва баъзи этник хусусиятларини ҳам сақлаб қолганлар.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Варыгин М.Н. Опыт описания Кулябского бекства // Известия РГО. – СПб., 1916. Т. 57. – С. 778.
2. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – С. 4, 72, 139.
3. Хидоятов И. К вопросу о формировании населения южных районов Узбекистана // Из истории культуры народов Узбекистана. – Т., 1965. – С. 124, 127.
4. Қаюмов А. XIX аср охири – XX аср бошларида Сурхон-Шеробод водийсидаги этник жараёнларнинг баъзи омиллари // Ўзбекистон тарихи. 2001, № 4. – Б. 28.
5. Очилдиев Ф. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар. – Т., Абу матбуот-консалт, 2008. – Б. 100.
6. Шаниязов К.Ш. Узбеки-карлуки (историко-этнографический очерк). – Т.: Наука, 1964. – С. 47.
7. Этнический атлас Узбекистана. – Т., Ўзбекистон, 2002. – С. 30, 321.
8. Борозна Н.Г. Материальная культура узбеков Бабатага и долины Кафирнигана // Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1966. – С. 69.

9. Борозна Н.Г. Социалистическая преобразования в хозяйстве и быте узбеков-дурменов в долины Кафернигана и Бабатагских гор. Афтореферат дис. Канд. Ист. Наук. – М.: МГУ, 1966. – С. 16.

10. Султанов М.Х. Этнографическое наблюдения в Сурхандарьинской области // Материалы по истории Узбекистана. – Т., Фан, 1966. – С. 74-75.

11. Кармышева Б.Х. К истории формирования населения южных районов Узбекистана и Таджикистана // Советская этнография. 1964, № 6. – С. 126.

### РЕЗЮМЕ

В статье приводятся материалы об особенностях хозяйственной жизни скотоводов живущих на территории Сурхан-Шерабадского оазиса по ареальному размещению в начале XX века.

### SUMMARY

In article is giving the basic types of cattle breeding of the population of Surkhan-Sherabad oasis, including, the character of cattle breeding in ethnoeconomical system in the beginning XX-th centuries.